

EARLY CHARACTERISTICS OF ROUND SOFT WHEAT VARIETIES AND SAMPLES IN BREEDING

Amanov Oybek Anvarovich

Doctor of Agricultural Sciences, Senior Research Fellow:

Azizov Bekzod Gairat oglu

Trainee Researcher:

Southern Agricultural Research Institute

Abstract: Today, as a result of a sharp increase in the population of the Republic, the demand for food is also growing. In this article, the selection of spring soft wheat varieties and ridges on the index of early ripening was carried out.

Keywords: Soft wheat, germination, duration of growth period, variety and ridges.

СЕЛЕКЦИЯ ИШЛАРИДА ДУВАРАК ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВ ВА НАМУНАЛАРНИНГ ЭРТАПИШАРЛИК ХУСУСИЯТИ.

Аманов Ойбек Анварович

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходими:

Азизов Бекзод Гайрат ўғли

Стажиёр тадқиқотчи:

Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институти

Аннотация: Бугунги кунда Республика из ахолиси кескин ошиб бориши натижада озиқ – овқатга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда, хозирда Республика изда 1 млн 300 минг гектардан ортиқ майдонга бошоқли дон экини экилиб келинган, шундан баҳорги юмшоқ буғдой деярли кам майдонни ташкил этганлиги кузатилган. Мазкур мақолада баҳорги юмшоқ буғдой нав ва тизмаларидан танлаб олинган эртапишарлилик кўрсатгичи бўйича танлаш ишлари амалга оширилди.

Калит сўзлар: Юмшоқ буғдой, униб чиқиши, ўсув даври давомийлиги, нав ва тизмалар.

Аннотация: Сегодня в результате резкого увеличения населения республики растет и потребность в продуктах питания. В данной статье селекция сортов и гряд яровой мягкой пшеницы проводилась на основе выбранного индекса раннеспелости.

Ключевые слова: Мягкая пшеница, всхожесть, продолжительность периода роста, сорт и гребни.

Кириш. Дунёда ахоли сонининг ортиб бориши билан дон маҳсулотига бўлган талаб ҳам ортиб бораверади. Бугунги кунда дунёда 10 та мамлакат буғдой дони ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилмоқда. Улар: Хитой, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Франция, Австра, Канада, Покистон, Германия каби давлатлар ташкил этади.

Дунёнинг барча мамлакатларида юқори сифаттага эга бўлган буғдой навларини яратиш ва дон етиштиришни кўпайтириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири хисобланади.

Шу сабабли баҳорги юмшоқ буғдойнинг ҳосилдорлигини ва дон сифатини оширишда ташқи муҳит, турпок-икклим шароитига мос келадиган эрта муддатда экилган рақобатликчаларида нав намуналарнинг эрта пишар хамда юқори ҳосилдорлигини аниқлаш ҳар бир селекционер олдида турган муҳим вазифадир

Ш.Д.Дилмуров, Н.Б.Бойсунов ва бошқалар фикрича (2018) эртапишар навлар яратишида ўсимликнинг ўсуви даври узунлиги генетик жиҳатдан мураккаб эканлигини ўсуви вегитация даврининг айрим фазалар узунлигининг йиғиндисидан иборат бўлганлигини хисобга олиш лозим [5, 13, 19, 23].

Эртапишар навлар яратиши учун чатиштирилаётган жуфтнинг биттасида бирор фаза, иккинчисида эса бошқа бир фаза қисқа бўлиши керак [8, 11, 15, 22].

Бундай шакилларни аниқлаш учун ўрганилаётган барча нав ва намуналар устида фенологик кузатишлар ўтказиб, ҳар бир ўсуви фазанинг бошланиши ва тугашмуддатини белгилаб бориш керак [9, 14, 17, 20].

Вегетация даври бир хил ўртача бўлган лекин айрим ривожланиш фазалар-давирлари узун –қисқалиги турлича бўлган навларни чатиштириб эртапишар навлар яратиш мумкин [7, 12, 18, 21].

Ўсимликнинг ўсуви даври ғалла экинларида, одатда, 2 даврга бўлинади: униб чиқиши-бошоқлаш ва бошоқлаш-пишиш. Униб чиқиши-бошоқлаш даврининг давомийлиги навнинг асосан қўп микдорда биологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, ташқи муҳит иклиз-шароити кичик даражада аҳамиятга эга, бошоқлаш-пишиш даврида эса ташқи муҳит иклиз-шароити сезиларли даражада таъсир кўрсатади [6, 10, 16].

Үринбоев Т.Х., Илашев А.И. ўз тадқиқотларида униб чиқишдан бошоқлашгача бўлган даврнинг давомийлиги бир қатор муаллифлар фикрича, асосан икки омилгахаво ҳарорати ва кун узунлигига боғлиқ[1]

Ғайбуллаев F, Тошкентбоева Ф. тадқиқотларида юмшоқ буғдой коллексияси нав намуналар ортасидан ҳосилдор кассалликларга об-ҳавога чидамли? Эрта пишарликни аниқлаб селексия учун бошланғич ашё сифатида чатиштириш дурагай тизмаларини хар томонлама ўрганиш.[2]

Тадқиқот услублари ва материаллари. Суғориладиган майдонлар учун янги “Баҳорги буғдой (Triticum Aestivum l.) нинг 90-110 кунда пишиб етиладиган ҳосилдор, дон сифати юқори бошланғич ашёларини яратиши” мақсадида Жанубий дехқончилик илимий тадқиқот институтининг Қарши тумани, Я.Омонов худудида баҳорги юмшоқ буғдойнинг рақобатли нав синаш тизмалари синовдан ўтказилди. Тажриба обекъти сифатида жаҳон генофондидан келтирилган ва маҳаллий шароитда яратилган баҳорги юмшоқбуғдойнинг 25 та тизмалари ва андоза навлар сифатида Республикализнинг суғориладиган майдонларида кенг жорий қилинган Ж.Гавхар, наврӯз, парвоз навлари олинди. Тажрибалар 3-қайтариқда, 10м² қилиб жойлаштирилди.

Тадқиқот натижалари. Дала тажрибаларини экиш ишлари 17- февралда амалга оширилди ва ўсуви даври давомида суғориладиган майдонларда ғалла етишиши учун тавсия этилган оптималь агротехник тадбирлар қўлланилди.

Буғдой донининг униб чиқиши учун дон ўзига 50% намлик тўплаши билан униб чиқа бошлайди. Агар тупроқда ҳарорат 5⁰ С бўлса, майсалар 20 кундан кейин, 10⁰С ва 15⁰С бўлганда 7-9 кунда униб чиқиши мумкин.[3]

1-жадвал

Нав ва тизмаларнинг ўсуздаври (Карши, 2021 й.).

№	Навноми	Унибчики ш. сана	Туплаш. сана	Найчала ш. сана	Бошқола ш. сана	Дошқола шагча	Тўликии шиш. сана	Вегетаци яловчи
1	Ж.Гавҳари (ст)	09.мар	30.мар	10.апр	06.май	58	05.июн	88
2	Наврӯз (ст)	09.мар	01.апр	11.апр	05.май	57	04.июн	87
3	Парвоз (ст)	10.мар	31.мар	10.апр	05.май	56	06.июн	88
4	KR20-20thDSBWYT-49	09.мар	02.апр	11.апр	09.май	61	09.июн	92
5	KR19-19thDSBWYT-29782	09.мар	02.апр	10.апр	05.май	57	06.июн	89
6	KR20-20thESBWYT-12	09.мар	30.мар	10.апр	03.май	55	03.июн	86
7	17 th SBWYT-2017-P-6 (New V)	11.мар	01.апр	10.апр	09.май	59	09.июн	90
8	KR20-20thHTSBWYT-35	09.мар	30.мар	10.апр	08.май	60	09.июн	92
9	KR20-20thESBWYT-39	11.мар	30.мар	10.апр	08.май	58	07.июн	88
10	KR20-20thHTSBWYT-45	09.мар	31.мар	10.апр	08.май	60	07.июн	90
11	KR20-20thESBWYT-46	09.мар	31.мар	10.апр	04.май	56	05.июн	88
12	KR20-20thESBWYT-12	10.мар	30.мар	10.апр	03.май	54	03.июн	85
13	KR19-19thDSBWYT-30140	09.мар	31.мар	10.апр	05.май	57	05.июн	88
14	KR20-20thHTSBWYT-38	09.мар	31.мар	11.апр	04.май	56	03.июн	86
15	KR20-20thESBWYT-39	09.мар	31.мар	11.апр	09.май	61	07.июн	90
16	KR20-20thDSBWYT-05	09.мар	30.мар	10.апр	06.май	58	06.июн	89
17	KR20-20thDSBWYT-04	09.мар	31.мар	12.апр	09.май	61	07.июн	90
18	KR20-20thESBWYT-46	11.мар	02.апр	12.апр	16.май	66	09.июн	90
19	17 th SBWYT-2017-P-6 (New V)	13.мар	03.апр	11.апр	09.май	57	08.июн	87
20	KR19-19thDSBWYT-29872	11.мар	02.апр	12.апр	08.май	58	06.июн	87
21	KR19-19thDSBWYT-30140	11.мар	01.апр	11.апр	05.май	55	03.июн	84
22	KR20-20thHTSBWYT-48	11.мар	02.апр	12.апр	19.май	69	09.июн	90
23	17 th SBWYT-2017-P-72	11.мар	01.апр	12.апр	04.май	54	03.июн	84
24	KR19-19thDSBWYT-29979	10.мар	30.мар	10.апр	09.май	60	03.июн	85
25	KR20-20thDSBWYT-07	10.мар	31.мар	11.апр	05.май	56	03.июн	85
	Мин	09.мар	30.мар	10.апр	03.май	54	03.июн	84
	Mean	09.мар	31.мар	10.апр	07.май	58	05.июн	88
	Max	13.мар	03.апр	12.апр	19.май	69	09.июн	92

Тажрибада ўрганилаётган нав ва тизмаларнинг тўлиқ униб чиқиши даври 9-13 март кунларига тўғри келди.

Ўсимлик уруғдан униб чиққандан унинг ҳосили тўла пишгунгача бўлган давр ёки ўсуви даври қанча қисқа бўлса, ҳосил шунча оз муддат ичидаги сифатли, нобудгарчиликсиз йиғиштириб олинади. [4]

Тўлиқ туплаш фазасига ўтиши даври 30-31 марта хамда 2-апрел кунига тўғри келди (1-жадвал).

Ҳаво харорати илиқ келганлиги сабабли нав ва тизмаларнинг найчалаш фазасига ўтиши даври қисқа бўлганлиги кузатилди. Найчалаш фазаси давомийлиги нав ва тизмаларнинг биологик хусусиятига кўра 10-12 апрелкунига тўғри келди.

Ўсимликтининг дон тўлишиш даврида ҳароратнинг юқори бўлиши ҳосилнинг сезиларли даражада камайишига асосий сабаблардан бири эканлиги аниқланган. Дон тўлишиш даврида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ва ҳароратнинг паст бўлиши дон тўлишиш даврининг узайишига сабаб бўлади. Дон тўлишиш даври учун мақбул ҳарорат 29⁰ С ҳисобланади, паст ҳарорат эса дон пишиши даврининг узайишига боғлиқ бўлади. Ҳароратнинг юқори бўлиши ва ҳавони нисбий намлигининг пасайиши, яъни ҳавонинг қуруқ бўлиши доннинг тезда пишишига сабаб бўлади, оқибатда дон буришган ва ҳосилдорлик нисбатан камаяди.

Ўрганилган нав тизмалар 3-19-июн қунларида бошоқлаш фазаси ўтганлиги кузатилган бўлса, 7 та тизмалар эрта муддатда, 5 та тизмалар кечки муддатда бошоқлаш фазасига ўтганлиги қайд қилинди.

Тажрибамиз натижаларига кўра бу кўрсаткич, яъни «дон тўлишиш» даври "униб чиқиш-бошоқлаш" даврига нисбатан деярли икки баробар қисқа вақтни ташкил этди.

Баҳорги юмшоқ буғдой намуналари «униб чиқиш-бошоқлаш» 54 қундан 69 кунгачани ташкил этди.

Баҳорги юмшоқ буғдой навларини ўрганилган тадқиқотлар натижасига кўра "униб чиқиш-бошоқлаш" даври энг қисқа бўлган 17th SBWYT-2017-P-72 тизмаси баҳорги юмшоқ буғдой намуналарининг ҳосилдорлиги андоза Ж. Гавхари навига нисбатан 8 қун паст бўлганлиги тажрибамизда кузатилди.

Баҳорги буғдойнинг "бошоқлаш-пишиш" даври 21 қундан 32 кунгачани ташкил этди. Энг қисқа пишиш муддатлари тажрибамизда ўрганилганда KR20-20thESBWYT-12, 17th SBWYT-2017-P-72 намуналарида андоза Ж. Гавхари, наврўз, парвознавига нисбатан 4-8 қун қисқа бўлиб, 30 қунни ташкил этди. Тўлиқ вегетация даври баҳорги буғдой намуналарида 84 қундан 92 кунгачани ташкил қилди. Кечки муддатда пишган KR20-20thHTSBWYT-48, KR20-20thESBWYT-46, KR20-20thDSBWYT-49, 17th SBWYT-2017-P-6 (New V) намуналари кеч пишар эканлиги аниқланди, танлаб олинди.

Нав ва тизмаларнинг униб чиқиш – бошоқлаш даври 84 – 92 қун оралиғида бўлганлиги қайд қилинди. Ўртacha бу кўрсаткич 88 қунни ташкил қилган бўлса, 7 та нав ва тизмаларда униб чиқиш бошоқлаш даври қисқа, яъни эртапишар бўлганлиги қайд қилинди. Ўртacha кўрсаткичдан униб чиқиш бошоқлаш даври юқори бўлган ўртапишар ва кечпишар 17 та тизмалар борлиги аниқланди.

Донли ўсимликларнинг пишиш фазаси учта- сут, мум ва тўлиқ пишиш даврларида бўлинади. Сут пишиш даври бошоқлар гуллаганда 8 – 10 қун ўтганда кейин бошланади. Мум пишиш даврида доннинг намлиги 25-30% ни ташкил этади. Тўлиқ пишиш даврида ўсимликтин ҳамма қисмлари сарғаяди, дони қотади, ҳажми бироз кичиклашади, намлиги-14-18% гача, лалми ерларда эса 8-12% гача камаяди.

Хуроса

Тажрибада ўрганилган нав ва тизмаларнинг тўлиқ пишиш фазасига ўтиши 3-июндан 9-июн кунига тўғри келди. Андоза навлардан Ж.Гавхари, Наврўз ва Парвоз навлари нисбатан эртапишар эканлиги кузатилди ва тўлиқ пишиш фазасига 5ион кунида ўтган бўлса, 7 та тизмалар бу навлардан эрта муддатда пишиш фазасига ўтганлиги кузатилди, ваэртапишар эканлиги аниқланди, танлаб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўринбоев Т.Х., Илашев А.И. Жиззах вилоятида буғдойчиликнинг илмий-амалий асослари. –Фаллаорол, 2010. –Б. 35-55.
2. Файбуллаев F, Тошкентбоева Ф. “Селексия питомнигида янги яратилган юмшоқ буғдой тизмаларини ўрганиш.” //Агро илм 4сони Тошкент 2020й 24бет

3. Вавилов Н.И “История мировой коллекции генетических ресурсов растений в Россия” 2009 й,
4. Абдуазимов А. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани илмий материаллари.-Тошкент. 2015.-Б. 196-199.
5. Fayzullayev A. Z. et al. Selection of high-yielding and high-quality lines of bread wheat //INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL “INNOVATION TECHNICAL AND TECHNOLOGY”. – 2020. – Т. 1. – №. 3. – С. 10-14.
6. Дилмуров Ш. Д., Зиядуллаев З. Ф. Selection of early and productive lines in preliminary yield trial of bread wheat //INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL “INNOVATION TECHNICAL AND TECHNOLOGY”. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 55-59.
7. Дилмуров Ш. Д., Зиядуллаев З. Ф. Юмшоқ буғдойда ўтказилган оддий ва мураккаб дурагайлаш ишлари натижалари //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 2-1. – С. 75-79.
8. Дилмуров Ш. Д., Бойсунов Н. Б. Рақобатли навсинаш кўчатзорида юмшоқ буғдойнинг биометрик кўрсаткичларини ўрганиш //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 1. – С. 11-15.
9. DILMURODOVICH D. S. et al. Productivity, quality and technological characteristics of bread wheat (*Triticum aestivum* L.) variety and lines for the southern regions of the Republic of Uzbekistan //Plant cell biotechnology and molecular biology. – 2021. – С. 63-74.
10. Dilmurodovich D. S., Bekmurodovich B. N., Shakirjonovich K. N. Winter bread wheat grain quality depends on different soil-climate conditions //International journal of discourse on innovation, integration and education. – 2020. – Т. 1. – №. 5. – С. 377-380.
11. Dilmurodov S. D., Toshmetova F. N., Fayzullayeva D. Selection of high-quality donor varieties of bread wheat for hybridization //МОЛОДЫЕ УЧЁНЫЕ РОССИИ. – 2020. – С. 55-58.
12. Дилмуров Ш. Д. и др. Гибридизация в различном направлении и создание гибридного поколения мягкой пшеницы //Инновационное развитие науки и образования. – 2018. – С. 74-77.
13. Dilmurodovich D. S. et al. Analysis of yield and yield components traits in the advanced yield trial of winter bread wheat //International journal of discourse on innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 64-68.
14. Odirovich J. F., Anvarovich A. O., Dilmurodovich D. S. VALUABLE PROPERTIES AFFECTING THE HIGH-YIELD ELEMENTS OF DURUM WHEAT //INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-41.
15. Dilmurodovich D. S., Nasirulloevna T. F. Selection of early maturity lines in agroecological yield trial of bread wheat //НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, ИННОВАЦИИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И. – 2020. – С. 41.
16. Dilmurodov S. D., Tukhtayeva U. A. Selection of high-yielding and grain-quality donors of winter bread wheat for irrigated areas //НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ: СОХРАНЯЯ ПРОШЛОЕ, СОЗДАЁМ БУДУЩЕЕ. – 2020. – С. 92-95.
17. Дилмуров Ш. Д., Каюмов Н. Ш. ОЦЕНКА ПРОДУКТИВНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЛИНИЙ МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 17-1 (95). – С. 27-30.

18. Дилмуродов Ш. Д. Ценные свойства, влияющие на высокоурожайные элементы мягкой пшеницы //ADVANCED SCIENCE. – 2020. – С. 38-41.
19. Dilmurodovich D. S., Shakirjanovich K. N. ANALYSIS OF YIELD AND GRAIN QUALITY TRIALS IN THE ADVANCED YIELD TRIAL OF WINTER BREAD WHEAT //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 550-555.
20. Dilmurodovich D. S. et al. STUDY OF MORPHO-BIOLOGICAL PROPERTIES AND RESISTANCE TO YELLOW RUST DISEASE OF NEW LINES OF WINTER BREAD WHEAT //InterConf. – 2021. – С. 641-647.
21. Khushvaktovich M. A., Dilmurodovich D. S. The choice of early maturing lines of spring bread wheat for irrigated areas //НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, ОБЩЕСТВО: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ. – 2021. – С. 30.
22. Dilmurodovich D. S. et al. Selection of large seed and high yielding lines of bread wheat for drought conditions //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 595-606.
23. Дилмуродов Ш. Д. ОЦЕНКА ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ И КАЧЕСТВА ЗЕРНА НОВЫХ МЕСТНЫХ ЛИНИЙ ОЗИМОЙ МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ //Актуальные проблемы современной науки. – 2021. – №. 3. – С. 108-113.